

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ
МАЛАКА ОШИРИШ МАРКАЗИ



“Иқтисодиётни жадал ривожлантиришда
солиқ маъмуриятчилигини янада
такомиллаштириш масалалари”
мавзусидаги
республика илмий - амалий конференцияси

МАТЕРИАЛЛАРИ ТЎПЛАМИ

25 сентябрь 2020 йил



Тошкент – 2020



Иқтисодиётни жадал ривожлантиришда солиқ маъмуриятчилигини янада такомиллаштириш масалалари. Республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси Малака ошириш маркази, Тошкент, 2020 йил, 368 бет.

Масъул муҳаррир:

и.ф.н., З.Т.Эргашев

Таҳрир ҳайъати:

и.ф.ф.д. (Phd) А.А.Ғиёсов

ю.ф.н., Ф.В.Вахобов

и.ф.д., проф, З.Н.Қурбанов

и.ф.н., А.А.Валиев

кат.ўқ.С.Р.Боймуротов

и.ф.н., К.Г.Джураева

Ушбу республика илмий-амалий конференцияси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 7 февралдаги 56-Ф-сонли Фармойиши билан тасдиқланган 2020 йилда республика миқёсида ўтказиладиган илмий ва илмий-техник тадбирлар режасига мувофиқ ўтказилди.

Мазкур тўпланда солиқ-бюджет, бухгалтерия ҳисоби соҳаси мутахассислари, олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари, олимлари, илмий изланувчилари ва магистрантларининг иқтисодиётни жадал ривожлантиришда солиқ маъмуриятчилигини янада такомиллаштириш, солиққа тортиш масаласида амалиётда синалган принцип ва ёндашувларни ишлаб чиқиш, солиқларни бошқаришнинг замонавий шакл ва методларини жорий этиш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсияларни ишлаб чиқишга ва бу борада илғор хориж тажрибаларини ўрганишга ва улардан фойдаланишга қаратилган илмий-тадқиқот натижалари маъруза тезислари сифатида ўз ифодасини топган.

Ушбу конференция материалларидан солиқ-бюджет, бухгалтерия ҳисоби йўналишидаги мутахассис ходимлар, олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари, докторант ва мустақил изланувчилар, магистрант ва кенг китобхонлар фойдаланиши мумкин.

Таҳрир ҳайъатининг фикри муаллиф фикридан ўзгача бўлиши мумкин. Тезислар мазмуни ва келтирилган фактларнинг ҳақиқийлиги учун муаллиф жавобгар ҳисобланади. Топширилган тезислар муаллифга қайтарилмайди ва тақриз қилинмайди.

© Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси Малака ошириш маркази, 2020 й.

Тўлов тизимлари ва банк ахборот тизимлари рақамли активлардан кенг фойдаланишади. Рақамли активлардан тўлов тизими сифатида кенг фойдаланилаётгани сифатида PayPal ни мисол қилиб келтириш мумкин. PayPalга 1998 йил асос солинган эди. Ушбу тўлов тизимидан дунёнинг 200 дан ошиқ мамлакатлари фойдаланади. PayPal тўлов тизимининг умумий миқдорлари сони 180 млн.дан ошди. Morgan Stanley аналитиклари PayPal га баҳо бера туриб, уни йирик бўлишига қарамасдан ўсишда барқарор давом этаётган компания сифатида кўрсатиб ўтишди¹⁴¹

Рақамли активларни бошқаришнинг муҳим муаммоларидан бири – бу уларнинг ҳуқуқий ҳимоясидир. Таъкидлаш лозимки, қисқа вақтларда ва оригиналдан камроқ харажат қилиб рақамли активларни нусхасини яратиш ва ишга тушириш мумкин. Рақамли тижорат эса, содда ва ишончли рақамли тўлов тизимларини яратишни талаб этади. Биринчи on-line тўлов тизимлари хизмат кўрсатишда аҳоли ўртасида кенг тарқалганлиги сабабли кредит ва дебет карталаридан фойдаланилган.

Visa ва Master Card кредит карталари эмитентлари сотувчилардан ахборот алмашинувида юқори хавфсизлик чорларини кўриш шартларини талаб этишган.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Муҳтарам Президентимиз рақамли иқтисодиётни ривожлантиришни устувор вазифа сифатида белгилашларига сабаб, Ўзбекистон иқтисодиётини юқори суръатларда ўсишини таъминлаш билан бирга, аҳолининг онгини, илмини, қарашларини замон билан ҳамнафас қилиш, қолаверса, мамлакатимизни халқаро майдонда интеграциясини тезлаштириш ва натижада Ўзбекистонни демократик, иқтисодий жиҳатдан ривожланган давлатлар каторига кўшишдан иборатдир.

З.О.Ахроров –

*Самарқанд иқтисодиёт ва
сервис институти докторанти*

А.А.Тураев –

*Самарқанд иқтисодиёт ва
сервис институти ассистенти*

СОЛИҚ ТИЗИМИНИНГ ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШДАГИ АҲАМИЯТИ ВА РОЛИ

Мамлакатимиз тараққиётини янада ривожлантириш мақсадида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар

¹⁴¹ PayPal опередила по капитализации American Express. Финансы, 15.10.2017 г., www.rbc.ru/rbcfreenews/59e36f899a7947ee0a581e59 (PayPal determined capitalization of American Express. Finance, 15.10.2017, www.rbc.ru/rbcfreenews/59e36f899a7947ee0a581e59)

стратегияси дастури ишлаб чиқилди¹⁴². Шу асосда Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш Концепцияси тўғрисида”ги 29 июндаги 2018 йилдаги ПФ-5468-сонли Фармони қабул қилинди¹⁴³. Ушбу концепциянинг энг муҳим жиҳати шундаки, унга мувофиқ, Ҳаракатлар стратегияси ва унда кўзда тутилган, республикада солиқ юқини пасайтириш, солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш вазифаларини тўлақонли амалга ошириш мақсадида мамлакатимизда солиқ тизимини ислоҳ қилиш яъни модернизациялаш, концепцияни ишлаб чиқилиши ва қабул қилиниши айни муддао бўлди десак муболаға бўлмайди.

Ҳозирги кунда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, қўлга киритилаётган ютуқ ва муваффақиятларнинг асосида иқтисодиётни модернизациялаш ётади.

Иқтисодиётни модернизациялашнинг мақсади—мамлакат иқтисодиётини янгилаш, илм - фан ютуқларини тадбиқ қилишни талаб қиладиган устувор соҳаларни ривожлантириш асосида мамлакат иқтисодиётини инновацион ривожлантириш йўлига ўтказиш, мамлакат миллий иқтисодиётининг рақобатдошлигини ошириш ва аҳолининг ўсиб, ўзгариб бораётган эҳтиёжларини тўлароқ қондириш ҳисобланади.

Иқтисодиётда солиқ муносабатларини такомиллаштириш модернизациялашнинг энг ёрқин кўринишларидан бири ҳисобланади. Бу аввало, миллий ва хорижий инвестицияларни жалб этиш, аҳоли фаровонлигини таъминлаш каби муҳим ижтимоий муаммоларни ҳам ҳал этиш имконини беради. Шу боисдан ҳам солиқ муносабатларини оптималлаштириш ва бошқа иқтисодий категориялар билан уйғунлигини таъминлаш жуда муҳим масалалардан биридир.

Иқтисодиётни модернизация қилиш ва техник янгилаш жараёнларига хизмат қиладиган солиқларни тартибга солиш масалалари энг илғор технологиялар билан жиҳозланган ва хом-ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш ҳамда рақобатбардош тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминлайдиган, мамлакатимиз экспорт-импорт салоҳиятини тартибга солиш ҳамда янги иш ўринларини яратишга хизмат қиладиган янги саноат корхоналарини ташкил этишга хизмат қилади. Ваҳоланки, сифати ва нархи бўйича жаҳон бозорида рақобатбардош бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириш ва янги маҳсулот турларини ўзлаштиришга молиявий муносабатларни тартибга солиш орқалигина эришилади.

Модернизация замонавий жамиятда инглиз тилидан “замонавийлаштириш” деган маънони англатади.

П.Штомпка модернизациянинг турли кўринишларини кўрсатиб ўтади:

- биринчидан, модернизация – жамият олдинга силжиётган бир пайтда прогрессив ижтимоий ўзгаришлар йиғиндисидир;

¹⁴² Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида. – Т., 2017 йил 7 февраль

¹⁴³ Мирзиёев Ш.М. 2018 йил 29 июндаги “Ўзбекистон Республикасининг Солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида”¹⁴³ги ПФ-5468-сонли фармон// Халқ сўзи 2018 йил 30 июн

- иккинчидан, модернизация – етакчи ривожланган соҳа ёки мамлакатга етишиш учун қолоқ ёки орқада қолаётган жамиятларни етказишни назарда тутди.

- учинчидан, модернизация тушунчаси замонавий жамиятнинг маркази бўйлаб ҳаракат тушунилади¹⁴⁴.

Модернизация кенг маънода жамиятда янгиланиш ва ривожлантириш жараёнларини ўзида акс эттиради. Иқтисодий модернизация меҳнат тақсимоти ўсиши, ишлаб чиқариш жиҳозлари самарадорлигининг ошиши, фанни ишлаб чиқариш кучига айлантириш ва ишлаб чиқаришни рационал бошқаришни ривожлантириш эвазига эришиладиган иқтисодий тақрор ишлаб чиқаришни чуқурлаштиришни назарда тутди.

Модернизация товар-пул муносабатларини ривожлантириш, миллий ва трансмиллий бозорларни шакллантириш ва ривожлантириш, капитални айланишини таъминлашга мослашган иқтисодий шакл ва институтларни шакллантириш омилига айланди. Бунда мамлакат иқтисодиётини жаҳон иқтисодий ҳамжамияти билан боғлашга хизмат қиладиган хорижий инвестициялар асосий рол ўйнайди.

Модернизация анъанавий жамиятдан саноатлашган, йирик машиналашган ишлаб чиқаришга ҳамда ижтимоий жараёнларни қонунларга таянган ҳолда оқилона бошқаришга асосланган жамиятга ўтиш жараёнларини намоён этади. Назарияда модернизация деганда «анъанавий тарздаги ёпиқ жамият»га қарама-қарши ўлароқ «замонавий очик тарздаги жамият»ни шакллантиришга олиб келувчи саноатлаштириш, секулярлаштириш, урбанизация, умумий таълим, ваколатли сиёсий ҳокимият тизимларининг қарор топиши, ҳудудий ва ижтимоий сафарбарликнинг кучайиши каби жараёнларнинг мажмуи тушунилади.

Модернизация бўйича имтиёзлар самарадорлиги пастлигининг яна бир асосий сабабларидан бири бу солиқ ва божхона имтиёзларининг ҳеч қандай шартларсиз берилиши ва қайтариб олинмаслигидадир. Имтиёзлардан фойдаланувчи корхона ишлаб чиқарилган маҳсулотлар сифатини ошириш, ҳажмини кўпайтириш ёки экспорт ҳажмини ошириш бўйича ҳеч қандай мажбурият қабул қилмайди.

Ҳукумат қарорлари билан алоҳида тақдим этиладиган имтиёзларни қисқартириш ва унинг ўрнига маълум тармоқларни ривожлантиришга йўналтирилган мақсадли солиқ кредити тарзидаги имтиёзларни қўллаш зарур. Бунда биринчидан давлат бюджетига қўшимча маблағлар келиб тушишини таъминлаб, ўз навбатида иқтисодиётдаги солиқ юқини пасайтириш имконини берса, иккинчи томондан соғлом рақобатни янада ошишига олиб келади.

Шуни таъкидлаш лозимки, 2018-2020 йилларда солиқ тизимида амалга оширилган ислоҳотлар натижаси давлат молиясининг қай даражада барқарорлигини кўрсатиб бера олди.

¹⁴⁴ Sztompka, P. (2015). Modernization as social becoming: 10 theses on modernization. In global modernization review: New Discoveries and Theories Revisited (pp. 25-31).

Хусусан, кейинги йилларда мамлакатимиздаги бир қатор солиқларнинг ставкалари ҳам сезиларли даражада пасайтирилиб борилаётганини кўришимиз мумкин. Бу эса солиқ тизимини модернизациялаш билан бир қаторда иқтисодиётнинг янада ижобий томонга силжишига олиб келади деб айта оламиз.

Солиқ тизимини самарали такомиллаштиришда ҳозирги глобал иқтисодиётда кўпроқ маълумотларни алмашишда электронлаштириш муҳим ҳисобланади. Бунда, солиқ ва молиявий ҳисоботларнинг тўлиқ электрон шаклда тақдим этилишига ўтилганлиги тадбиркорларнинг кўп вақтларини сарфлаб навбатда туришларини олдини олиш билан бир қаторда уларнинг кўшимча харажатларини яъни маблағларини иқтисод қилишда жуда катта ёрмат бўлмоқда.

Ушбу автоматлаштирилган дастурлар ва усуллар давлат бюджетига тўланадиган маблағлар бўйича маълумотларни тезкор таҳлил қилиш имконини бермоқда. Шунингдек, солиқ тўловчи бўлган юридик шахслар интернетдаги “Шахсий кабинет”лари орқали солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни ҳам онлайн шаклда тўлаш имкониятига эга бўлиб келишмоқда. Бу эса кўшимча иш ва оворагарчиликларнинг олдини олмоқда.

Умуман олганда, Ўзбекистонда олиб борилаётган солиқ сиёсатининг асосий мақсади – бюджетга тўланадиган тўловларнинг тўғрилиги, шаффофлиги, очиклиги ҳамда тақдим этилган электрон маълумотларни қайта ишлаб жўнатиш имконияти мавжудлиги ҳам муҳим бўлиб ҳисобланади. Бу эса солиқ маъмурчилигини модернизациялаш ва ислоҳ қилишда солиқ-бюджет муносабатларини оптималлаштиришга, солиқ тўловчиларнинг мустақил даромад топишларига, солиқ текширувларининг самарадорлигини оширишга, солиқ тўловчилар фаолиятига асосиз аралашув ва текширувларнинг олдини олишга, фаолият юритмаган ҳисобот даврлари учун ноўрин кўшимча солиқ тўловларни мажбурий тарзда тўламасдан харажатларини янада камайтириш каби кўплаб имкониятларни яратиб бера олади деб ҳисоблаймиз.

Ф.И.Исаев -
Ўзбекистон Республикаси
Банк-молия академияси, PhD

СОЛИҚ ТАҲЛИЛИНИ РАҚАМЛАШТИРИШ ДАВР ТАЛАБИ

Рақамли иқтисодиётнинг пайдо бўлиши кўплаб соҳалар фаолиятини тубдан ўзгартириб, унга мувофиқ мослашишга бўлган заруриятни тақозо қилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 мартдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид

У.У.Пардаев. COVID-19 пандемияси шароитида давлат бюджети даромадларини ўрта муддатли прогноз кўрсаткичлари таҳлили.....	259
О.К.Худоёрова, И.Т.Мурадов. Солиқ маъмуриятчилиги самарадорлигини ошириш йўллари.....	264
А.А.Бозоров. Солиқ тизимини рақамли ривожлантириш истиқболлари.....	267
U.Berdiyev. Are green bonds beneficial to shareholders?.....	269
А.Х.Раджабов, Ф.А.Файзиев. Рақамли иқтисодиёт – иқтисодий ўсишнинг истиқболли омили сифатида.....	274
З.О.Ахроров, А.А.Тураев. Солиқ тизимининг иқтисодиётни модернизациялашдаги аҳамияти ва роли.....	276
Ф.И.Исаев. Солиқ таҳлилини рақамлаштириш давр талаби.....	279
Ғ.У.Рузиев. Жисмоний шахсларни солиққа тортишда солиқ қонунчилигини янада такомиллаштириш масалалари.....	281
Н.Б.Таджибаев. Мамлакатимизда пенсия жамғармасини илғор хорижий мамлакатлар тажрибаси асосида такомиллаштириш.....	285
С.С.Соатов. Ўзбекистонда импортни оптималлаштиришда тариф квотасини амалиётга жорий этиш истиқболлари.....	289
Ammar Younas. Taxation of e-commerce and digital divide in central asia: background and proposal.....	292
Ё.Т.Иброҳимов. Ўзбекистон Республикасида электрон тижоратни солиққа тортишнинг муаммо ва истиқболлари.....	294
А.А.Усманова. Солиқ маъмуриятчилигидаги янги технологиялар: макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш йўлида.....	297
Ш.С.Артиков. Иқтисодиётни ривожлантириш шароитида солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштиришга замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада кенг жорий этиш йўллари.....	300
Р.П.Садуллаев, С.Р.Яқубов. Онлайн назорат-касса машиналари ва виртуал кассаларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш.....	304
А.О.Ниёзов. Ўзбекистонда бевосита ва билвосита солиқлар нисбатини оптималлаштириш.....	306
А.Я.Абдуллаев. Давлат солиқ хизмати органлари ва риэлторлик ташкилотлари ўртасида ахборот алмашиш бўйича айрим назарий ва ҳуқуқий жиҳатлари.....	310
У.Р.Куйлиев. Маҳсулотларни идентификация воситалари ёрдамида маркировкалаш ва келгусида кузатиш тартиби.....	312
К.С.Исламов. Жисмоний шахсларнинг солиқ қарзини ундиришда учраётган муаммолар уни бартараф этиш йўллари ҳамда олдини олиш чоралари.....	315
А.У.Амиров. Рақамли иқтисодиётнинг мамлакатимиз солиқ тизимига таъсири ва давлат бюджети барқарорлигини таъминлашдаги роли.....	319

5-ШУЪБА	
РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА БУХГАЛТЕРИЯ	
ҲИСОБИ ВА АУДИТНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ	
З.Н.Курбанов. Солиққа тортиш мақсадидаги ҳисоб сиёсатининг назарий масалалари.....	323
Т.Абдибаева, Н.Х.Мирзамуратов. Особенности подготовки и предоставление финансовой отчетности хозяйствующих субъектов....	325
К.М.Мисиров. Экология харажатлари ҳисобини такомиллаштириш масалалари.....	327
З.Н.Курбанов. Рақамли иқтисодиёт шароитида бухгалтерия ҳисобининг муаммолари.....	332
Б.Мырзаев, Б.Қазақбаев. Солиқ юки камайишининг молиявий ресурслар шаклланишига таъсири.....	336
А.Н.Тўраев Х.Н.Абдуллаев. Ички аудитни ташкил этиш методологиясини такомиллаштириш.....	341
Н.К.Ризаев, И.И.Исматхужаева. Пандемия даврида молиявий ҳисоботларни тузишдаги муаммолар (ҳисоб сиёсати асосида).....	344
А.К.Назаров. Кўчмас мулк амортизациясини хориж тажрибаси асосида такомиллаштириш масалалари.....	349
Ф.Акрамов. Фойда солиғи бўйича солиқ аудитини ўтказиш методикаси.....	352
О.И.Неъматов. Нодавлат нотижорат ташкилотларида харажатлар ҳисобини халқаро тажрибалар асосида такомиллаштириш.....	356
Ш.Ш.Рахмонов. Денежные средства и их отражение в бухгалтерской (финансовой) отчетности в соответствии с МСФО (IAS) 7.....	359